



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 7 январь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 4 (12.565)

Баҳоси эркин нарҳда

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МАРДЛИК, ЧИНИҚИШ ВА ТОБЛАНИШ МАКТАБИ

Жамиятимизда, кишилар онгу тафаккуридаги янгиликлар хусусида кўп гапираримиз. Аммо мен шу ўринда ёшларимиз қалбида шаклланиб бораётган бир орзу хусусида тўхталмоқчиман. Бу — ҳарбийлик. Бу Ватан ҳимоячиси бўлиш орзуси. Кўпчилик фуқароларимиз бу хусусда фахр билан гапирмоқда. Бироқ ҳарбийлик шарафли, фахрли касбга айланиши ўз ўзидан бўлгани йўқ.

Шу ўринда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасидаги фикрлари ҳаёдан кечади: «Қани айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади? Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизмати-дан бўйин товлаш эмас, аксинча, унинг сафидан жой олишга интилиш кучаяди? Қандай қилсак, муштарак ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинадиган бўлади?»

Бу саволларга давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган оқилона сиёсати, миллий армиямизда кечаётган изчил ислохотлар орқали жавоб топди.

Албатта бу ўринда муҳим омиллардан бири миллий армиямизнинг муштарак ирода ва характер, муштарак

Мураккаб, таҳликали бир шароитда яшаётганимизни яхши биламиз. Хавф-хатар, дунёда тобора ортиб бораётган қарама-қаршилик миллий манфаатларимизни, суверенитетимиз, ҳудудий яхлитлигимизни ҳимоя қилишни талаб этмоқда. Мана шу масъулиятни ёшларимиз юракдан англаётгани барчамизни қувонтиради. Негаки, улар истиқлол билан бирга улғайиб, йигирма икки йил давомида вояга етган, муштарак фикрлашга, юксалиб бораётган онгу тафаккурга эга бўлган навқирон авлоддир. Улар порлоқ истиқболга катта ишонч билан қарайди ва ўз танлаб олган йўлидан ортга қайтмайди.

фикрлаш қобилияти шаклландиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланаётганидир. Минг-минглаб ёшларнинг Куролли Кучлар сафига кириш учун талпиниши ҳам шундан. Яъни мактабгача таълим муассасасида, мактабда, оилада олмаган сабоқларини армиядан — ҳаёт мактабидан олишга интилишдади.

Ҳўш, миллий армиямизнинг мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактаби сифатида шаклланиши йўлида нималар қилинди? Келинг, шу хусусида фикрлашайлик.

Тўмарислар, барчинойлар туғилаётган юрт

Энг аввало ёш авлод миллий истиқлол гоилари руҳида камол топмоқда. Улар билан суҳбатлашиб, Ўзбекистон деб аталмиш гузал ва бетакрор ўлкада туғилганидан, қалбидан, юрагидан Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси муштарак ўрин эгаллаётганидан қувонасан. Яъни армиягача ҳам улар муштарак фикрлашни ўрганиб, ҳаётимизда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини англашдади.

(Давоми 2-бетда)

Яқинда Япониянинг Токио ва Цукуба шаҳарларида «Обод турмуш йили» якунларига бағишланган тақдимот маросимлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг Япониядаги дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирларда тақдимот иштирокчилари мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида рўй бераётган кенг кўламли ўзгаришлар билан танишганлари баробарида Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигининг истиқболлари хусусида ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

«ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ» ЯКУНЛАРИ ЯПОНИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тадбирлар чоғида қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли муштарак тараққиётнинг 22 йили мобайнида мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тўрт баробар юксалди, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда аниқ даромадлар миқдори 7 баробар ошди, сўнгги йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши барқарор равишда 8 фоиздан зиёди ташкил этмоқда.

Тақдимот қатнашчилари томонидан эътироф этилганидек, республикамизнинг асосий бойлиги кўп миллатли меҳнаткаш халқдир. Мамлакатимизда 120 дан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари ўзаро аҳилликда истиқомат қилаётгани, жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити ҳукм сураётгани, шубҳасиз, жуда катта эътиборга моликдир. Ўзбекистонда нефть-газ қиммат тармоғи, автомобильсозлик, озиқ-овқат, дори-дармон саноати, енгил саноат, маиший электр техникалари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тобора ўсиб бораётганига алоҳида урғу берилди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Цукуба университетининг профессори Мамото Ито мамлакатимизда ислохотлар босқичма-босқич ва изчилик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон «Обод турмуш йили»да ижтимоий-иқтисодий соҳада улкан муваффақиятларга эришганини таъкидлади. «Юртингизда мамлакатни янада модернизациялаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди, деди у.

Мамото Ито Ўзбекистон — Япония алоқалари хусусидаги фикрларини ўртоқлашар экан, ўзаро муносабатлар барча йўналишларда фаол ривожланиб бораётганини қайд этди. «Илмий-техникавий ҳамкорлик, таълим, сармола ва энергетика соҳаларидаги муносабатларимиз ўсувчанлик хусусиятига эга эканлиги билан ҳам диққатга моликдир, деди профессор. Биз университетимизда Ўзбекистон олий ўқув юртинининг вакиллари иштирокида мунтазам равишда турли тадбирларни ўтказиб келишимиздан ва шу тариқа мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунимиз».

Цукуба университетининг профессори, Шимолий Африка тадқиқотлари маркази директори Хироки Исода Ўзбекистонда одамларнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлашга, жамиятнинг ижтимоий тараққиётга катта эътибор қаратилаётганини қайд этди. Х.Исоданинг айтишича, буни 2013 йилнинг мамлакатимизда «Обод турмуш йили», деб эълон қилинганидан ҳам билса бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётни индустриализациялаш, қишлоқ хўжалигини ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муштараклаш, атроф-муҳит муҳофазаси ва бошқа соҳаларда катта муваффақиятларни қўлга киритаётганидан хабардорман, — деди Х.Исода. — Бизнинг университетимиз ўзбекистонлик шериклар билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда қишлоқ ва сув хўжалиги, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда келгуси йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида ирригация ва чўлла-шувнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказишни режалаштираялмиш.

«Жаҳон» АА. Токио



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухоро вилояти Жондор тумани тиббиёт бирлашмасининг терапия ва юкумли касалликлар бўлимларининг янги биналари фойдаланишга топширилди. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини муштараклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 437 миллион сўм бўлган ушбу биналарнинг қуриб, фойдаланишга топширилиши ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

● Хоразмда «Камолотдан янги йил» лойиҳаси доирасида ўтказилган навбатдаги хайрия акцияси ана шундай номланди. Акция давомида талабаларнинг ўзи ишлаган буюмлар, кўнгилли ёшлардан ихтиёрий равишда тақдим этилган икки юздан ортиқ совғалар болажонларга топширилди. Шунингдек, акция доирасида талабалар Урганч шаҳридаги болалар шифохонасида даволанаётган болажонлар учун байрам тадбири ташкил этди.

● «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига 2014 йилда Наманган вилояти мезбонлик қилади. Ушбу нуфузли тадбирнинг тантанали маросимлари «Навбахор» марказий стадионида ўтказилиши режалаштирилган. Айни пайтда маъмурий бинода пардозлаш, электромонтаж, сантехника, ҳаво алмаштириш, паст кучланишли электр манбаси тармоқларини тортиш ва жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

● Фарғона вилоятида 2013 йилда тўрт юздан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Марғилон шаҳрида енгил саноат, чарм-пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳалари бўйича 38 лойиҳа амалга оширилиб, 667 янги иш ўрни ташкил этилди. Оилавий тадбиркорлик йўналишидаги корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 12 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

ЖАҲОНДА

● Швейцариянинг энг машҳур дам олиш масканлари жойлашган Валь кантонидида қор кўчкилари водий бўлди. Хусусан, Валь д'Эран содийсида юз берган ана шундай табиий офат оқибатида уч нафар одам ҳаётдан кўз юмган, бир киши оғир тан жароҳати олган. Яна бир кўчки натижа-сида бир киши қурбон бўлган, икки киши жароҳатланган.

● Жанубий Кореянинг «Samsung» компанияси янги «Smart Home» дастурини омма эътиборига ҳавола қилди. У мобил алоқа воситаси ёрдамида телевизор, кондиционер ва бошқа турдаги маиший техника воситаларини масофадан туриб бошқариш имконини беради. Бунинг учун мазкур дастур смартфонларга юклаб олинса кифоя.

● Ўтган йил якунлари бўйича АҚШда автомобиллар савдоси 8 фоиз ўсди. Бу 2007 йилдан буён қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир. Поёнига етган йилда мамлакатда жами 15,6 миллион дона автоулов сотилган. Шунинг 18 фоизи «General Motors» корпорацияси, 16 фоизи «Ford», 14 фоизи «Toyota» ҳамда 11 фоизи «Chrysler» компаниялари ҳиссасига тўғри келган.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР — ЁШ ОИЛАЛАРГА

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда замонавий уй-жой фондиди ташкил этиш, коммунал ва ижтимоий-маиший шароитни янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада кўлаб юртдошларимиз янги уй-жойларга эга бўлмоқда.

Бундай эзгу ишларга «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат банки ҳам фаол ҳисса қўшмоқда. Банкдан маълум қилишларича, 2013 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра «Ипотекабанк» томонидан Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида ёш оилалар учун 1 минг 272 хонадонли 37 кўп қаватли уй қуриб битказилган. Шунингдек, ёш оилаларга уй-жой қуриш, таъмирлаш ва маиший турмуш шароитини яхшилаш учун 30,4 миллиард сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилган.

Бунда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Банкдан имтиёзли кредит олаётганлар орасида ҳарбий соҳа вакиллари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Йигитлик бурчини муваффақиятли ўтаб, ҳозир Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармасида фаолият юритаётган Жамшид Мухаммадиев ҳам улардан бири.

— Оиламиз билан янги — 2014 йилни янги уйда кутиб олганимиздан қувончимиз чексиз, — дейди сержант Ж.Мухаммадиев. — Бунда бизга «Ипотекабанк»нинг Юнусобод филиалидан 15 йил муддатга берилган 93 миллион сўм имтиёзли кредит кўп келди. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳарбий хизматчиларга кўрсатилмаётган бундай юксак ғамхўрлик ёшларимизда Куролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишга иштиёқни янада оширишда муҳим омил бўлаётди.

«Ипотекабанк» акциядорлик тижорат банки ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, хусусан, узоқ муддат фойдаланиладиган зарур анжомлар, уй-ўрғор буюмлари харид қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, тўй маросимларини ўтказиш учун ҳам қўллаб сармоялар ажратмоқда. 2013 йилда банк томонидан ёш оилалар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларга 9,8 миллиард сўм истезмол кредити ажратилди. Буларнинг барчаси ёш оилаларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга хизмат қилмоқда.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **БУГУН** Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат

техника университетидида «Маънавият — ақл сарчашмаси, онг ва тафаккур гултожи» мавзуда маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Яккасарой тумангаз» корхонасида «Мардлар кўриқлайди Ватани» деб номланган адабий-бадиий кеча уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** «1-автобус саройи» масъулияти чекланган жамиятида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилади.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МАРДЛИК, ЧИНИҚИШ ВА ТОБЛАНИШ МАКТАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинлари иштирокчилари ва «Ёш чегарачи»лар ҳақида телевиденда тайёрланган бир кўрсатувда иштирок этдим. Она ёш чегарачилар сафида спорт ўйинларида фаол иштирок этган қизи ҳақида ҳаяжон билан сўзлади. «Келажақда энгига ҳарбий либос кийиб, Ватан ҳимоячиси бўлса ҳам, оқ фотиҳа бераман», қабилидаги гапларини айтиди. Тўмарислар, Барчинолар туғилаётган юртим қиёфаси кўз олдимда янада жонланиб, юрагим оряқиди.

ЧЕМПИОНЛАР — ВАТАН ХИМОЯСИДА

Дунёнинг баъзи мамлакатлари қақуруви бекор қилгани, фақат шартнома асосида ёки ёллаб хизматга фуқароларни олишгаётганини ўқияпмиз, эшитаяпмиз. Албатта бу уларнинг ички иши. Бироқ бунинг замирида армия хизматидан бўйин товлаш, армиядаги носоголом муҳит, Куролли Кучларга нисбатан жамиятда, айниқса ёшларда ишонсизлик ҳолатлари борлигини ҳам унутмайлик.

Ўзбекистонда эса олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида Ватан ҳимоячиси бўламан, ҳарбий хизматга бораман, деган ёшларимиз сафи ортганидан ортиб борапти.

Оддий аскар Охунжон Баратовнинг онаси Гулзода Сотлиқовани ҳарбий қасамд қабул қилиш тантанасида учратдим. «Ўғлимда ҳарбийликка ҳавас кўриш. Мудофаа ишлари бўлимида ўтказилган синовлардан ўтишига ўзида ишончи кучли эди. Мен онаман-да. Ўйлардим. Агар синовлардан ўтолмай қолса, боламини қандай юпатаман? Шўқри, орсусига етди. Аскар бўлди. Энди хизматни шартнома бўйича давом эттирмакчи». Бу йўлни танлаган ўғлонларимизнинг орсусида ҳарбийча қатъият, ишонч, шижоатни сезиб, фахрланасан.

Оддий аскар Анвар Самижонов мuddатли ҳарбий хизматга чакс билан шуғулланиб, республика, халқаро мусобақаларда иштирок этган. Ҳатто Қозғонистонда ўтказилган халқаро турнирда ўз вази тоифасида биринчи ўринни қўлга киритган. Аскарлик мактабига эришганидан хурсанд. Ҳа, чемпионлар ҳам бугун аскар бўлишни олдиға мақсад қилиб қўйган.

ИМТИЁЗ, РАҒБАТ, АНЪАНА

2012 йил 31 майда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хиз-


матни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

Куролли Кучлар қисмлари ва бўлинуларида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республика олий ўқув юртлирига кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш, шунингдек, уларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилган мазкур муҳим ҳужжат эртамиз давомчилари бўлган ёшларга эътиборнинг узвий давоми бўлди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республика олий ўқув юртлирига кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш, шунингдек, уларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилган мазкур муҳим ҳужжат эртамиз давомчилари бўлган ёшларга эътиборнинг узвий давоми бўлди.

Мудофаа вазирлиги қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ота-оналарига ташаккурномалар йўллашдек эзгу анъана ҳам Ватан ҳимоячиларининг ҳаёт мактабида тобланиш, чиниқилишда муҳим аҳамият касб этапти.

Мудофаа вазирлиги 2006 йил 27 сентябрдаги буйруғига мувофиқ офицер, сержант ва оддий аскар вазифасида шартнома бўйича хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга малака тоифаси бериб келинмоқда. Тоифани ўзгартириш ёки тасдиқлаш учун ҳар йили белгиланган тартибда синовлар топирилади. Касбий, ўт очиш тайёргарлиги, жисмоний тайёргарлик билан боғлиқ омиллар бунда ҳисобга олинади. Биргина мана шу ангилкининг ўзи ҳам ҳарбий хизматчининг ҳаёт мактабида профессионал, комил инсон бўлиб шаклланишида катта роль ўйнамоқда.

Ёки бўлмаса Мудофаа вазирлигининг 2007 йилдаги буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Куролли



Кучлари ҳарбий хизматчиларига кўкрак нишонлари бериш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳарбий хизматчиларнинг маҳоратда ҳеч қимдан кам бўлмаслиги, дематки, замонавий техника, технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллашлари, юксак ақл-заковат, интеллектуал салоҳиятда, Ватанига, халқига садоқатда ажралиб туришлари йўлида муҳим қадам ташланди. «Жанговар тайёргарлик алоҳисига», «Ҳарбий спортчи», «Ҳарбий альпинисти», «Парашютчи» ва бошқа ўнлаб кўкрак нишонлари таъсис этилди.

Бу шунчаки рағбат эмас. Таъкидлаш лозимки, бунинг замирида ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш, қўшинларда Ватанга, танланган касбга муҳаббатга йўғрилган замонавий ҳарбий анъаналарни жорий этиш ва шакллантириш муҳасам. Посбонлар ўртасида юксак маънавий-жанговар руҳга асосланган муҳитни, ўзаро мусобақадорликни, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурини самарали ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг касбий ўсишлари, интеллектуал қобилиятларини шакллантиришга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш каби устувор мақсадлар ётибди, бунинг замирида.

Ҳа, бу биз танлаган йўл. Ўз ҳаётини она Ватани, Истиклолни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб вазифага бағишлаган фарзандларни қўриб, мардлик ва матонат, Ватанга садоқат билан хизмат қилишдек фазилатларни тарбиялаётган мактабга — армияга нисбатан фахр, гурур қўшмасдан бўларканми?!

Алижон САҒАФОРОВ, подполковник

СУҒУРТАЧИЛАРНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Бугунги кун шароитида жаҳон тажрибасини ўрганмасдан туриб суғурта бозорини ривожлантириш ва суғурта соҳасида ислохотлар ўтказиб бўлмайди. Жаҳон суғурта бозорининг глобаллашуви натижасида миллий суғурта ташкилотларининг ўз устас фонддини ошириш орқали суғурта майдонидаги ўрни мустаҳкамланиб бормоқда. Шунингдек, талабга жавоб бермайдиган, устас фонди кам бўлган суғурта ташкилотлари бирлашиб ягона суғурта ташкилотлари шакллана бошланди. Натижада суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб борди.

Мисол тариқасида айтсак, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда катта корпорацияларни суғурта қилиш учун суғурта тово-нининг етишмаслиги суғурта хизматига бўлган талабнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш учун устас фонди кам бўлган суғурта ташкилотларини бирлаштириш жадаллик билан бошланди ва шу билан бир қаторда суғурта соҳасига «кайта суғурта қилиш» тушунчаси ҳам кириб келди.

1990–1999 йилларда жаҳон миқёсида қайта ташкил қилинган суғурта ташкилотларини бирлаштириш натижасида бирлашган суғурта ташкилотларининг товои пули 1,04 трлн. АҚШ долларидан ошиб кетди. Европа Иттифоқи доирасида эса 1957 йил мартда Рим шартномаси тузилиб, ушбу шартнома асосида иттифоқчилар ҳудудида ягона суғурта бозори ва ягона суғурта қонунчилиги шакллантирилди. Бу жараёндан кўзланган асосий мақсад қиймати жиҳатидан катта бўлган корхоналарни суғурталаш эди.

Бу борада мамлакатимиз миқёсида хусусий мулкчилик асосида жадал ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизматига бўлган талаб ва тақлифларнинг кундан кунга ошиб бориши сабабли, давлатимиз томонидан хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш мақсадида суғурта фаолиятини ислох қилиш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш чораларини қўришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мазкур соҳани ҳуқуқий тартибга солиш борасида «Суғурта фаолияти тўғрисида», «Иш-бевуқчилик фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида», «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинган.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида хорижий инвестиция ва хусусий капитални мамлакат банк-молия соҳасига кенг жалб этишнинг энг муҳим устувор шартларидан бири сифатида суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш каби вазифалар белгиланган.

Шунингдек, суғурта ташкилотларига берилаётган эътиборнинг яна бир мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 майдаги «Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Ушбу қарорга мувофиқ 2012–2014 йиллар мобайнида суғурта ташкилотларининг устас капитални босқичма-босқич ошириш белгиланган бўлиб, унга кўра умумий суғурта соҳасида 1125 млн. евродан 1 500 млн. еврога, ҳаётни суғурталаш соҳасида 1 500 млн. евродан 2 000 млн. еврога, мажбурий суғурталаш бўйича 2 250 млн. евродан 3 000 млн. еврога ва фақат қайта суғурталаш бўйича 5 000 млн. евродан 6 000 млн. еврога ошириш назарда тутилган. Олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад, оммавий суғурта хизматларига бўлган талабни ошириш, турли мулк шаклларига етказилган зарарни тўлашда давлат иштирокини камайитиш, хусусий тижорат соҳасида суғурта хизматидан фойдаланишни кенгайтириш, суғурта бозорини эркинлаштириш ва суғуртанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш каби мақсад ва вазифаларни амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги Қарорига мувофиқ суғурта ташкилотларига бир қанча имкониятлар яратилган. Шулар жумласига суғуртачиларга қимматли қозғ бозорда инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи ҳам берилган.

Хулоса ўрнида шунга айтиш керакки, суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғуртачиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, шунингдек, суғурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, суғурта бозорининг ривожланган даражаси мамлакат тараққиётининг қай даражада тараққий этганлигини белгилаб берувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Эркин ХОЛМАХМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси катта маслаҳатчиси

ТОКИОДА ДАВРА СУҲБАТИ

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАҚ, Хусусий сайёҳлик ташкилотлари ассоциацияси ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар вакилларидан иборат мамлакатимиз делегациясининг Японияга амалий ташрифи чоғида юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Токиодаги элчихонасида ташкил қилинган ушбу тадбирда халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий мероси, юртимизнинг жуғрофий, табиий-иқлим шароити, мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари намойиш этилди.

Учрашувда Буюк Йўлнинг марказида жойлашган Ўзбекистон бўйлаб ташкил этилаётган ранг-баранг ва қизиқарли сайёҳлик турлари хусусидаги маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон бебаҳо маънавий-маданий меросга, бутун дунёга машҳур тарихий-меморий ёдгорликларга, ўзига хос ва бетакрор халқ амалий санъатига эга мамлакат саналади. Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива сингари кўна шаҳарлар шеърят аҳли томонидан «Шарқнинг бебаҳо дурдоналари» дея бежиз таърифланмаган. Чунки уларнинг бағрида жуда кўплаб ноёб меморий ёдгорликлар қарор топанки, улар бутун дунёдан минг-минглаб сайёҳларни ўзига оҳанрабодек жалб қилмоқда.

Давра суҳбатида алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг бой тарихий-меморий мероси унинг халқаро сайёҳлик бозорига эга бўлган устувор жиҳати ҳисобланади. Ўзбекистонда 800 дан зиёд дам олиш индустрияси корхонаси, 500 дан ортик меҳмонхона, кўплаб сайёҳлик базалари, шунингдек кемпинглар фаолият қўрсатапти. Булардан ташқари, республиканинг барча ҳудудида иқтисодиётнинг ушбу жаҳасини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурлари ҳаётга иччил татбиқ қилинапти.

Давра суҳбатида алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг бой тарихий-меморий мероси унинг халқаро сайёҳлик бозорига эга бўлган устувор жиҳати ҳисобланади. Ўзбекистонда 800 дан зиёд дам олиш индустрияси корхонаси, 500 дан ортик меҳмонхона, кўплаб сайёҳлик базалари, шунингдек кемпинглар фаолият қўрсатапти. Булардан ташқари, республиканинг барча ҳудудида иқтисодиётнинг ушбу жаҳасини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурлари ҳаётга иччил татбиқ қилинапти.

Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси президенти К.Накамура «Жаҳон ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг Шарқ ва Фарб тамаддунлари ҳамда маданиятлари чорраҳаси ҳисобланганини айтди.

— Икки халқнинг минг йиллик тарихий алоқалари мамлакатларимизни бир-бирига боғлаб туради, — деди у. — Ўзим раҳбарлик қилаётган уюшма Тошкент ҳамда бошқа минтақаларда ўтказиладиган сайёҳлик кўрғазмалари ва конференцияларида қатнашишга ҳамisha тайёрдир.

Япония хорижий сайёҳлик операторлари уюшмасининг раиси, «Sai Travel Service» сайёҳлик компанияси президенти Т.Охата Ўзбекистонда мавжуд салоҳиятни самарали равишда ҳаётга татбиқ этиш учун янги сайёҳлик йўналишларини, хизмат қўрсатиш мажмуалари ва сайёҳлик хизматларини ишлаб чиқиш юзасидан олиб борилаётган иччил ишларга юқори баҳо берди.

«JTB World Vacations» сайёҳлик компаниясининг савдо масалалари бўйича менежери И. Икеда бой тарихга ҳамда ноёб меморий меросга эга бўлган Ўзбекистон япониялик сайёҳлар учун жозибадор мамлакат эканлигини билдирди.

— Биз давра суҳбати чоғида ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига борадиган япониялик сайёҳлар оқимини кўпайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдик, — деди у. — Бундан икки томон ҳам бирдек манфаат кўради, албатта.

«Жаҳон» АА, Токио

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ Пойдевори

лари кучли воситалар орқали таъминланиши ҳақидаги тасаввурни пайдо қилади ва ҳар бир фуқарода қонунларга, давлатга, келажақка ишонч ҳосил бўлади.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида фуқароларнинг, хусусан, таълим олаётган ёш авлод вакилларининг ҳуқуқий билим ва тафаккурининг юксак даражада бўлиши давр талабидир.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар қатори касаса уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари ҳам муҳим ўрин тутати. Бугунги кундаги кенг қамровли ислохотлар мантиқи бу ташкилотлардан ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларида самарали фойдаланиш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятини кучайтириш борасида янада фаол иш олиб боришни талаб этади.

Мисол тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ҳар йили ўқувчи ва талабалар ўртасида ўтказилиб келинаётган анъанавий «Балли, ҳуқуқшунослар», «Сиз қонунни биласизми?» танловлари ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ва онгини шакллантиришда ҳамда ривожлантиришда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш ўрилади.

Ҳуқуқий демократик давлат ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат ва жамият олдида сиёсий фаол ҳамда ҳуқуқий маданиятли шахсларга эътиёб турғилади. Шу боис бугунги кунда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини амалга оширишнинг шахс, давлат ва жамият манфаатлари билан муштарақлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустанжиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик ислохотлар амалга оширилгани жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлди. Бунда, айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳоли-

нинг ҳуқуқий мадаийати даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони ва Олий Мажлис томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» муҳим аҳамият касб этди.

«Юксак ҳуқуқий маданият, — дейилади Миллий дастурда, — демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. ...У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жинслашувиға кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батариблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир.

Шунинг учун ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш шахс, давлат ва жамият манфаатлари билан уйғун бўлишига эътибор қаратиш даркор. Айни чоғда давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларини узлуқсиз юритишда жамият ва давлат манфаатларини ҳисобга олиш ва албатта, умуминсоний таъмирларга таяниш керак бўлади. Шахс-шубҳасиз, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалар бу борада муҳим аҳамиятга эгадир.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, 2010 йилда респондентларнинг 23,6 фоизи ўз ҳуқуқларини яхши билишини таъкидлаган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 26,2 фоизни ташкил этди. Шунингдек, ижтимоий тадқиқотда иштирок этган фуқаролар орасида ҳуқуқий саводхонлигини етарли даражада эмас, деб ҳисоблайдиганлар сонини 10 фоиздан 7,9 фоизга тушди. Ўтказилган сўров натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, албатта аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошаётгани яққол кўзга ташланади.

Хулоса ўрнида шунга айтиш керакки, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқаролардан юксак ҳуқуқий маданият талаб этилади. Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат ва жамият бошқаруви жараёнларида фуқароларнинг иштироки, ўрни, уларнинг умумийсиёсий маданий даражаси, хулқ-атвор нормалари, қадриятлари, анъаналари билан ҳамоҳанг эканлини билдиради. Президентимиз таъбири билан айтганда, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади. У шундай жамиятқи, унда ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши лозим.

Ш.МАЖИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти

Маънавият — ақл кўзгуси

Туманларда ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Биргина Чилонзор ва Учтепа туманлари микёсида олиб қарайдиган бўлса, маънавият-тарғибот марказлари томонидан корхона, ташкилот, муассаса, маҳалла ва ўқув юртралида ушбу йўналишдаги тадбирлар, давра суҳбатлари, турли учрашувлар мунтазам равишда уюштирилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Маънавият тарғибот маркази Учтепа туман бўлими томонидан корхона ва ташкилотлар, прокуратура, ИИБ, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, тиббиёт бирлашмаси, ФХДБ бўлимлари ва ўқув масканлари ҳамкорлигида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобларининг мазмун-моҳияти хусусида соҳа мутахассислари билан жойларда турли суҳбатлар, тадбирлар ташкил этилмоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида ҳайрат, ҳайратланмоқ сўзларининг моҳияти қуйидаги мазмунда тушунирилган: ажойиб-ғаройиб, ғавқулдода воқелиқдан танг қолиш, улардан таъсирланиш сабабли юзага келган ҳиссиёт-туйғу. Бадиий асарлардан кўплаб мисоллар келтириш орқали бу сўзларнинг турли жиҳатлари тўлақонли акс этирилган.



Инсон унча-мунчага ҳайратга тушмайди. Айниқса, ҳар жиҳатдан ривожланган даврда яшаётган йигирма биринчи аср кишини ҳайратлантириш осон иш эмас. Уни она-табиатнинг тақдорланмас, боқира гўзаллиги, йўртмаочлаб юришга ҳаракат қилаётган гўдакнинг қижирлаб қулиб, эркаланиб айтаётган ширин сўзлари ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар лол қолдириши мумкин. Шунингдек, фан ва техниканинг оламшумул ютуқлари ҳам инсонни ҳайратлантиради. Ҳақиқий санъат, шу жумладан, меҳр-муҳаббат билан яратилган тасвирий санъат асарлари ҳам инсоннинг ҳис-туйғуларига таъсир этиб, онгу шуурини асир этади. Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этиладиган турли кўргазмаларда бўлганимда, ранг-баранг мавзулардаги асарларни томоша қилганимда, табиат манзараси акс этирилган полотноларга ҳайрат билан тикилиб турган турли ёшдаги томошабинларга назар ташлаганимда дилдан юқоридаги ўй-фикрлар ўтади. Шундай онларда санъат сеҳрини тақдор ва тақдор тусан киши.

Абдулмажид Сағатов ижодига мансуб рангтаъсир асарларини синчиклаб кўздан кечирганимизда ҳам санъат-

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2006 йил 25 августдаги Қарори ижроси юзасидан мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

— Марказимиз томонидан аҳоли ва ёшларимизнинг маънавий-маърифий ҳамда мафкуравий соҳалардаги тушунчаларини бойитиш мақсадида режа асосида иш олиб борилмоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази Учтепа тумани бўлими раҳбари Шоҳида Шомуталова биз билан суҳбатда. — Миллий истиқлол ғоясига, юртимиз тинчлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган омилларга қарши тура оладиган, эътиқоди юксак, маънавий бой ва ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялаш мақсадида учрашувлар, семинарлар ўтказиб бормоқдамиз. Шунингдек воғна етмаган ёшлар ўртасида диний ақидапарастлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, фоҳишабозлик, гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида ҳам қатор тадбирлар ўтказмоқдамиз. Барча ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда ҳафтада бир марта маънавият кунларини уюштириш анъанаси айлانган.

Келгусида ҳам ушбу йўналишдаги ишларни давом эттирамиз.

НУРГА ЙЎҒРИЛГАН ҚАДАМЛАР

Чилонзор туманида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар негизда ҳам инсон ҳаётининг яхшиланиши, онг ва тафаккурининг янада теранлашуви муҳассамлаштирилган.

Тумандаги 49 та маҳалла, 32 та мактаб, 17 та касб-ҳунар коллежи, академик лицей, битта олий ўқув юрти ҳамда 15 та тиббиёт муассасалари, 20 та йирик корхона ва ташкилотларда ўтган йили икки юзга яқин тадбирлар ўтказилди.

— Маънавият инсон қалбига руҳий озик берадиган, уни яхшиликка ундайдиган эзгулик тимсолидир, — дейди Маънавият тарғибот маркази Чилонзор тумани бўлим бошлиғи Гулҳебра Досметова. — Маънавияти тоза, ақли теран инсон ҳамиша дунёга соф қалби билан боқади. Ўтказётган ҳар бир тадбиримизда олдимизга қўядиган биргина мақсадимиз, инсон қалбига яхшилик уруғини сочиш, ёмонликдан қочишга ундашдан иборатдир.

«Оммавий маданият», «Мустақиллик энг олий неъмат», «Саломатлик мезонлари», «Спорт менинг ҳаётим», «Гиёҳвандлик умр кушандаси», «Оила мустаҳкам қўроғ», «Маънавият сарчаси» каби қатор мавзуларда ўткази-

лаётган тадбирлар ҳам туманда олиб борилаётган ишларнинг бир дебона-сидир.

Дарҳақиқат, жойларда маънавий-маърифий ишларни янада ривожлантириш мақсадида Маънавият тарғибот марказларининг туман бўлимлари нафақат ўқув муассасалари, балки корхона, ташкилот, маҳаллалар учун ҳам алоҳида дастурлар ишлаб чиққан.

Маънавий-маърифий ишлар тарғибот-ташвиқот йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлари эса уларнинг ҳар ойда олиб бораётган ишлари ҳисоботи ва мониторингини жамлаб берадилар.

Бу эса кишилар ҳаётининг янада мазмунли бўлишини таъминлайди. Ҳар бир оилани тинчлик ва осойишталикка чорлайди. Ёшларни Ватанини севишга, халқимизга сидқидилдан хизмат қилишга ундайди. Асосийси, инсон ақл тафаккурининг янада бойишига беминнат хизмат қилади.

Гулҳебра ДУРДИЕВА

тасвирий санъат ҳақидаги тасавури кенгайиб, тафаккури бойиб, маҳорат қирралари намоён бўла бошлади. Лицейни тугатадиган 2003 йили ўқувчиларнинг халқаро ва республика фан олимпиадаси доирасида ўтказилган ёш рассомлар кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаганилиги ҳам бундан далолат беради.

Изланувчанлиги, тиришқоқлиги, ҳар бир жабҳада фаоллиги Абдулмажид Сағатовга олий таълим даргоҳига кириб ўқиш имкониятини яратди. У Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олган йилларда ҳам билим доирасини кенгайтириш баробарида мойибўқда турли мавзуларда асарлар яратиб, маҳоратини тинмай ошириб борди.

КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

лар, табиат манзаралари ва натюрмортлар. Рангтаъсир санъати тарихига назар ташласак, айнан шу йўналишлар кўпгина мусавирлар ижодига муҳим ўрин тутди. Абдулмажид ҳам Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Икромжонов, Ўзбекистон санъат арбоби Саъдулла Абдуллаев ва бошқа устозларидан йиллар давомида олган сабоқларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилиб, юқорида таъкидлаб ўтилган тўрт йўналишда ижод қилиб келмоқда.

Шу ўринда Абдулмажид Сағатовнинг рангтаъсир санъатидаги тетапо қадамларига, унинг сир-асрорларини англаш йўлида пиллапоялардан аста-секин юқорилаб бориш жараёнига назар ташлаш жоиз. У зиёлилар оиласида ўсиб-улғайди. Отаси Абдулмавлон Сағатов Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида ўқиб, шу соҳанинг мутахассиси бўлиб етишган. Пахтачилик бўйича марказий илмий-тадқиқот институтида, пахта толасини сертификатлаш, «Сифат» марказида турли вазифаларда сидқидилдан ишлаб, обрў қозонган. Онаси Шодияхон эса болалар шифокори сифатида соғлиқни сақлаш соҳасига кўп меҳнати сингди. Шундай эътиборли хонадоннинг кенжа фарзанди Абдулмажид болалигидан опаси Шахлохон, акаси Абдумалиқдан ибрат олишга интилиб, расм чизишга меҳр қўйди. Шу боис онаси сўраб-суриштириб, ёшлигидан санъатга ошно қиладиган масканни аниқлашди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан Абдулмажид ўн бир йил давомида Республика таъсирий ва амалий санъат лицей-интернатида ўқиб, ҳам ўрта маълумотли бўлди, ҳам ўзи қизиққан соҳа бўйича таҳсил олди. Шу йиллар давомида унинг

2006 йили «Мен учун азиз инсон» кўрик-танловида ўз асари билан иштирок этиб, учинчи ўринга муваффақ бўлганлиги бу фикрни тасдиқлайди.

Кейинги пайтда анъанавий бўлиб қолган «Навқирон авлод», «Табиат ва рассом» кўргазмаларида мунтазам равишда қатнашиб, рангтаъсир муҳлисларининг меҳрини қозongan бу мўйқалам соҳиби учун 2009 йил ғоят хосиятли бўлди. Хусусан, институти муваффақиятли тугатди, «Устоз ва шогирд» кўргазмасида фаол қатнашиб, унинг ғолиби бўлди, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг дипломи билан тақдирланди. Энг қувончлиси, ўзи ўқиган институт раҳбарияти А.Сағатовга ўқитувчи сифатида ишлашни таклиф қилди. У тўрт йилдан бери рангтаъсир бўлимида меҳнат фаолиятини давом эттириб, ёшларга билим бермоқда.

Барча ижодкорлар, чунончи, мусавирлар учун ойлаб, йиллаб, баъзан ўн йиллаб изланиб, заҳмат чекиб яратилган асар худди фарзандидек қадри бўлади. Рассомлар ўз асарларининг кўргазмаларга қўйилишини, санъат илосмандлари ҳукмига ҳавола этилишини интиқлик билан кутадилар. Эл-юрт томонидан қандай баҳо берилиши ижодкор учун умрининг мазмунига айланади. Абдулмажид Сағатовнинг «Аёл портрети», «Гилламли натюрморт», «Миллий буюмлар» туркумларига кирган асарлари, «Зарирад ва Одатида» сингари тарихий полотнолари, «Сўқок» каби табиат манзаралари акс этирилган ижод намуналари кўпчилик томонидан эътироф этилди.

Ҳозиргача эришган натижалари уни доимий равишда изланишга даъват этиб, янгидан янги асарлар яратишга илҳомлантирмоқда.

Суннат САЙДАЛИЕВ
СУРАТДА: мусавир Абдулмажид Сағатов

МУХЛИСЛАР ҚАЛБИДАН ЎРИН ОЛГАН АСАРЛАР

Таниқли шoir ва драматург Ҳайдар Муҳаммад ўзининг эллик йилдан ортиқ ижодий фаолияти давомида мухлислар қалбидан мустаҳкам ўрин олган кўплаб асарлар яратди.

Унинг юздан ортиқ кўшиқлари ҳофизлар томонидан ижро этилган. «Тошкентнинг нозани маликаси», «Хотинлар гапидан чиққан хангома», «Жиноят устида ушлансин», «Кўнгли — чинни пиёла» сингари драматик асарлари узоқ йиллар давомида республикамизнинг қатор театрларида намойиш этилиб, томошабинларга маънавий озик улашиб келган.

Ҳайдар Муҳаммад сара ижодининг сарҳисоби сифатида шаҳримиздаги «MERIYUS» нашриётида адибнинг тўрт жиллик асарлари тўплами чоп этила бошланди. Жумладан, яқинда ушбу тўпламнинг биринчи жилди «Бобурнинг йигитлиги» номи билан нашрдан чиқди. Ундан асосан адибнинг тарихий драматик қиссалар, замонавий драматик қиссалар, драматик эртак қиссалар йўналишлари бўйича «Бобурнинг йигитлиги», «Улғубек шарофати», «Берунийнинг бахт эшиги», «Кувв танлови», «Тошкентнинг нозани маликаси», «Ипак гиламлар», «Сеҳрли танбур», «Хунар ўрганган бола» каби пьесалари ўрин олган бўлиб, уларнинг аксарияти сахна юзини кўриб, мухлислар эътиборини қозongan. Ҳ. Муҳаммаднинг замонавий драматик асарларида инсон маънавияти, ахлоқ-одоби, оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш масалалари ўз аксини толган бўлса, тарихий мавзудаги драмаларида тарихий воқеалар қизиқарли бадиий лавҳалар орқали очиб берилганлигини кўрамиз.

(Ўз мухбиримиз)

«Яхши билан юрсанг, етарсан муродга» деганларидек соҳибкорликдек улуг меҳнат билан бадиий ижодни кўшиб олиб бориш: бир қўлда моддий неъматлар, иккинчи қўлда маънавий тортиқлар — ўқимшли китоблар ёзиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бунда киши қалбида адабиётга ҳавас, ёзувчилар билан мулоқотлар, китобхонлик, матбуотни севиш, унда ўз ижодий ишлари билан қатнашиб бориш иштиёқи ҳам қўшилиб, иккинчи истеъдод — ёзувчилик маҳорати шаклланиб, олмос каби ярқираб кўрина бошлаганини сезиш қийин эмас.

Ҳ. Абдуллаевнинг ўнга яқин ҳам насрий, ҳам назмий китоблари китобхонларни ўзига жалб қилади.

Мен ёзувчининг «Содда гулларим» ҳикоялари тўпламини бундан йигирма йилча олдин кўриб қизиқиш билан ўқиб чиққан эдим. Унинг ихчам ҳикоялардан ташкил топганлиги, ундаги самимий китобхонни фикрлашга даъват этадиган, ҳаёт ҳақиқатини ҳикматли сўз каби ихчам матнларда берилганлиги уларни фақат ўрганиб қўйишгина эмас, балки илмий ходим сифатида ўз тадқиқот ишларимда, она тили таълими жараёнига айрим матнларни олиб кириш истаги бўлган. 1996 йилда нашр этилган умумтаълим мактаблари она тили ўқитувчилари учун ёзган услубий қўлланма: «Диктантлар» тўпламида мазкур китобдаги «Қўшиқ», «Нон исси», «Завқ» каби ихчам ҳикояларни, грамматик мавзуларни пухта ўзлаштириш учун «Назора диктанти» матни сифатида қўлланмага киритганман.

Ҳ. Абдуллаевнинг «Томчиларда ҳаётнинг мағзи» нафақат «жаж-

Таниқли қатралар устаси Ҳани Абдуллаевнинг янги нашрдан чиққан «Томчиларда ҳаётнинг мағзи» деган китоби кичик ҳикоялардан, маҳал ва ривоятлардан ташкил топганлиги билан китобхонни ўзига жалб этади.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

жи» кичкинтойларга, балки таълимнинг ҳар бир босқичида сабоқ олаётган ўқувчиларга, ҳатто унданда катта ёшдаги китобхонларга ҳам кенг тарбиявий таъсири билан ҳам аҳамият касб этади, фикр уйғотади.

Асосий касби деҳқончилик, чорвачилик, боғбонлик жараёнидаги кузатишлари, табиат билан гиёҳлару ёш кўчатлар, мевали ва мевасиз катта дарахтларга ошно бўлганлиги, улар билан ғойибона суҳбат қурганлиги ва оқибатда эл-юртга мева ва сабзавотларни етиштириш шавқи билан омухта бўлган ижод завқи ҳам ёзувчида китоб ёзиш, уни элга тортиқ қилиш бахтини яратди. Бу қобилият ҳар қандай касб-ҳунар эгасига ҳам насиб этавермайди.

Дарҳақиқат, ҳаётда фахрланиб яшаш ва меҳр қўйиб меҳнат қилиш кишини комиллик сари етаклаб катта ютуқларга эриштиради, бор истеъдодини жилонантиради. Ҳани Абдуллаев нигоҳидаги томчилар ва улардаги ҳаёт мағзи унинг жисмо-

ний меҳнати билан ақлий заковати биллашиб, бахтли ҳаёт завқига айланган. Бахт қўроғи бўлган файзал оиласидаги фарзандлари меҳрли нур устига нур бўлганлигини ибрат мактаби деб баҳолаш мумкин. Деярли ҳар бир саҳифада икки-учтадан ҳикоя, ривоят, қатралар битилган ижод намуналаридан ота-она насихатларидан баҳрамандлик, ҳаётдан, табиатдан олган таълимдаги етуқ ақл, заковат ва фалсафий мушоҳадалардан ташкил топган зукколик мужассам.

Ҳани Абдуллаевнинг боғларда, далаларда, ўтлоқзорларда, одамлар орасида кўриб, ижодига сингдириб, элга тортиқ қилган китоблари халқимизга манзур бўлаётгани, минг-ла ўқувчиларнинг онгу шуурига сингаётганини эътироф этиб касбкор, ижодкорга узоқ умр ва ижодий камолот тилаймиз.

Муҳаррам ЮСУПОВА,
филология фанлари номзоди,
доцент, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоҳиси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Албатта, муаммоларни ҳал қилмай туриб хотир-жам бўлолмайсан.

* * *

Фаросат илмидан кўплар бебахра.

* * *

Аслида тақдир бизни асрайди-ю биз ўчакишиб, унга қарши борамиз.

* * *

Яхшилик кўпинча эгасига етиб бормайди.

* * *

Одатда, ваҳима дарднинг ўзидан кучли бўлади.

* * *

Инсон баъзан қўли етгани менсимай, қўли етмаганга интилади.

* * *

Инсон ўзининг фойдасини билади, зарарини эмас.

* * *

Бир аҳмоқнинг кетидан минг киши овора.

* * *

Бировнинг қатъияти бошқаларни иккилантиради.

* * *

Ёмоннинг кўнглига яхши ҳаёл келмайди.

* * *

Худбин ўзидан ўзгани севолмайди.

* * *

Олдга ўтганининг оёғидан тортадилару ортда қолганга қўл узатмайдилар.

* * *

Ўзи ёқмаганнинг сўзи ҳам ёқмайди.

* * *

Яхшидан қизғансанг, ёмон тортиб олади.

* * *

Айримлар яхшилигиндан фойдаланадилару эвазига ёмонлик қайтарадилар.

* * *

Инсон кўпинча ўз худбинлиги ва қайсарлигининг қасрига қолади.

* * *

Одамлар ҳақиқатни ёлғонга чиқарадилару ёлғонни ҳақиқат ўрнида қабул қилади.



ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

Бугунги кунда ҳаётимизни автомобиль транспортисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабли унга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Транспорт воситалари сони ўсиб боргани сари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Республикамызда ҳам бу борада эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан мунтазам равишда «Диққат, болалар!», «Таътил», «Диққат, пиёда!», «Яшил чироқ» каби тадбирларни ташкил этиш аънаёна айланди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси фармойишига биноан 2013 йилнинг 15 декабридан 2014 йилнинг 15 январигача ўтказилаётган Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ҳам юқоридаги профилактик тадбирларнинг мантиқий давомидир.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида қатор амалий ишлар бажариб келинмоқда. Жумладан, тирокчидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этиляпти. Пойтахтимиз ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ва ушбу масалага жамоатчилик эътиборини қаратиш мақсадида самарали чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

— Шу кунга қадар маҳаллалар, таълим муассасалари, идора ва ташкилотларда 450 та давра суҳбати ташкил этилди, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБ бўлим бошлиғи, подполковник Зоир Сайдалиев. — Махсус гуруҳлар томонидан 136 рейд уюштирилиб, 1241 та қоидабузарлик аниқланди. Айрим жойлардаги йўл белгилари алмаштирилди ёки янгилари қўйилди, пиёдалар қоидабузарликлари, йўловчилар ташиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан тушунтириш ҳаракатлари оlib борилди. Болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш ва мактаб ёшидаги ҳамда ундан кичик болаларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш мақсадида тарғибот ишларини кенг-роқ олиб боришни мақсад қилганмиз. Хусусан, шу кунга қадар Тошкент шаҳрининг кўча ва гузарларига 2250 та реклама, панно ва шюрлар жойлаштирилди. Телеканаллар орқали йўлни тўғри кесиб ўтиш, меъёрий тезликка риоя этиш, йўл ҳаракати хавфсизлигига ҳисса қўшишга ундовчи видеороликлар намойиш этиляпти. Ойликка оид кўрсатув ва радиоситтиришлар жамоатчилик эътиборига мунтазам ҳавола этиляпти.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш жуда кўп омилларга боғлиқ. Маълумки, ҳар бир транспорт воситаси биринчи навбатда техник соз бўлиши лозим. Йўлда бирор тасодифий кўнгилсизликка учрамаслик, аynиқса, йўловчиларни ўз манзилларига хавфсиз элтиб қўйиш айнан техниканинг соз ишлашига боғлиқ.

Йўлларда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина соҳа ходимларининг вазифаси, деб қараш нотўғри. Чунки ҳар биримиз, аввало, ўзимиз, қолаверса, яқинларимиз ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиқдингизми, йўл ҳаракати иштирокчисига айландингиз. Демак, белгиланган йўл ҳаракати қоидалари сиз учун ҳам тааллуқли. Унга доим амал қилиш лозим.

Улуғбек АСРОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ЧЕМПИОНАТГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Ўзбекистон футбол федерациясида мамлакат XXIII миллий чемпионатида қуръа ташлаш маросими уюштирилди.

Жорий 2014 йилги мавсумда ҳам профессионал футбол лигасида 14 та жамоа иштирок этади. Қуръага кўра, мамлакат XXIII миллий чемпионати баҳслари 15 мартдан бошланадиган бўлди.

Амалдаги чемпион ва Биллур кубок соҳиби «Бунёдкор» биринчи турни ўз майдонида ўтказди. Дарвоқе, жорий йилда Ўзбекистон чемпиони ва Кубок соҳиби «Бунёдкор» ҳамда кумуш медаль совриндори «Локомотив» жамоалари ўртасида Ўзбекистон суперкубоги учун баҳс ўтказилади. Ушбу беллашув 7 мартда бўлиб ўтади.

Уммон мамлакатига футбол бўйича 23 ёшли чарм тўп усталари ўртасида 11 январдан Осиё чемпионати бошланади.

ДАСТЛАБКИ РАҚИБИМИЗ ХИТОЙЛИКЛАР

Ушбу нуфузли турнирда Шўҳрат Мақсудов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Осиё чемпионатида совринли ўринларга даъвогарлик қилишни ният этган ёш футболчиларимиз ўқув-йиғин машғулотида иштирок этишди.

Эслаб ўтадиган, ёшлар терма жамоамизнинг Осиё чемпионати гуруҳ беллашуварлигида дастлабки рақиб хитойлик ёш чарм тўп усталаридир.

Биз Шўҳрат Мақсудов шогирдларига китъа биринчилигида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

ПАХТАКОРЧИЛАР БААГА БОРИШАДИ

Жорий йилда футбол бўйича профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштириладиган мамлакат XXIII миллий чемпионати қизгин курашлар остида ўтиши шубҳасиз.

Чунки фақат совринли ўринларга даъвогар ҳисобланган етакчи командалар машғулот йиғинларини аллақачон бошлаб юборишган.

Шаҳримизнинг етакчи клубларидан бири «Пахтакор» футболчилари январь ойида БААга сафар қилишади.

БАА яшил майдонларида ўтадиган машғулотлар доирасида пахтакорчилар Қозоғистоннинг «Қайрат» командаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашишади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон ва Қозоғистон қизлар терма жамоалари Янгиободдаги базада ўқув машғулоти йиғинларини ўтказди.

2014 йил Таиланддаги Осиё, Словакиядаги жаҳон чемпионатлари ҳамда Хитойда бўлиб ўтадиган 2-ўсмирлар олимпиадаси олдидан мазкур йиғин ҳар иккала терма жамоа учун муҳим тайёргарлик вазифасини ўтади.

Машғулотлар жараёнида курашчи қизлар кунига икки маҳал машқулар ўтказиш билан биргаликда ўзаро спарринглар ташкил қилиб, ўзаро тажриба алмашишди.

— Биз бу ерда яратиб берилган шарт-шароитларни қўриб очиги, ҳавас қилдик, — дейди Қозоғистон терма жамоасининг катта мураббийи Қайрат Сагадиев. — Мазкур йиғинга 10 нафар спортчи билан ташриф

КУРАШЧИ ҚИЗЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

бўюрдик. Улар орасида ийрик мусобақаларда галаба қозonganлари ҳам бор. Ўзбекистонлик курашчи қизлар билан биргаликда машғулотларда иштирок этиш шогирдларимга бу йилги мусобақалар олдидан катта фойда беради.

— Спортчиларимиз ушбу йиғиндан юқори даражада фойдаланишди, — дейди терма жамоамиз мураббийи Аҳмет Кагармонов. — Биз Қозоғистон курашчи қизлари билан яхши танишимиз.

Кўп бора спортчиларимиз Гиланда беллашишган.

Бу каби ўқув машғулоти йиғинларини ташкил қилиниши мамлакатимиз спортчи ва мураббийларига ўз тажриба ва маҳоратларини оширишда катта ёрдам беради. Унда яхши натижаларга кўрсатган спортчиларимиз умид қиламизки келгусида бўлиб ўтадиган нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади.

ЁШ ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Хитойнинг Хайнань шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ва кадетлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Унда спортчиларимиз 2 та олтин, 3 та кумуш ва 5 та бронза медалларини қўлга киритишди. Чемпионатда кадетлар ўртасидаги кенг курашда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Камрон Нуриллаев ҳамда Сўхроб Турсуновлар ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлган бўлсалар, умидли полковникимиз Муҳаммадкарим Хуррамов финалгача бўлган беллашуварни мағлубиятсиз ўтказиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Раҳим Субҳонов ва Ренат Назметдиновлар эса мусобақанинг бронза медалларига муносиб деб топилдилар.

Ўсмирлар ўртасида кенг баҳсларда Гивёс Бобоев ва Шоҳрух Усмоновлар кумуш, Собит Хўжамов, Шаҳзод Собиоров ва Элёр Машариповлар бронза медаллари билан тақдирландилар.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

KAPITALBANK
МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФАҚҚАТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

«ТАРИФ 0+ SOVFA!»
байрам акциясини жорий қилди.

2013 йил 1 декабрдан 2014 йил 1 мартгача Фарғона ва Самарқанд филиаллари ёки Фарғона ва Самарқанд мини-банкларида талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобрақамларини очган барча янги миқозлар учун мутлоқ бепул хизматларни тақлиф қилади.

Булар:
• абонентлик тўловисиз ҳамда дебиторлик айланмаси учун комиссия тўловисиз банк хизматлари;
• «SMS INFO» хизмати;
• «Банк миқоз» хизмати.
2014 йил 1 мартгача!
Шунингдек, «Капиталбанк» ОАТБ дан қўшимча Янги йил совғаси!

Акция ҳақида батафсил маълумотларни банк филиалларидан қуйидаги телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин:

Фарғона: (8-373) 244-90-30
Самарқанд: (8-366) 234-55-39

Акция ҳақида маълумотлар ва қоидалар:

1. Акция номи: «Тариф 0+ совга!»
2. Акцияни ўтказиш мuddати: 01.12.2013 йилдан 01.03.2014 йилгача
3. Акцияни ўтказиш жойи: Фарғона ва Самарқанд шаҳарлари, «Капиталбанк» ОАТБ Фарғона ва Самарқанд филиаллари
4. Акцияда иштирок этиш тартиби:
2013 йил 1 декабрдан 2014 йил 1 мартгача Фарғона ва Самарқанд филиаллари ёки Фарғона ҳамда Самарқанд мини-банкларида талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобрақамини очган миқоз — юридик шахс абонентлик тўловисиз ҳамда дебиторлик айланмаси учун комиссия ҳақисиз бепул банк хизматларидан, шунингдек, 2014 йилнинг 1 мартига қадар «SMS INFO» ва «Банк миқоз» хизматларидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, «Капиталбанк» ОАТБ логотипи туширилган совгани қўлга киритади. Эслатма: 2013 йил 1 декабрдан 2014 йил 1 мартгача (акциянинг охириг ойда) банкда талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобрақамини очган миқозга 2014 йил 1 мартга қадар абонентлик тўловисиз ҳамда дебиторлик айланмаси учун комиссия ҳақисиз банк хизматлари ва «SMS INFO» ва «Банк миқоз» хизмати бепул кўрсатилади.
- 4.1. Мазкур акция фақат юридик шахс макомига эга бўлган «Капиталбанк» ОАТБ нинг Фарғона ва Самарқанд филиалларини янги миқозлари учун мўлжалланган.
- 4.2. Бепул хизмат кўрсатиш мuddати тугагандан сўнг, барча миқозлар банк тарифларига мувофиқ тўлови хизматлар режимига ўтказилади.

«Капиталбанк» ОАТБ Матбуот маркази

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Чинор» экологик нашриёт компанияси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида таълим масканлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Она шахрим экологияси» расмлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ЭКОЛОГИЯГА ОИД РАСМЛАР ТАНЛОВИ

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш, уларнинг экологик онг ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўқувчиларда она табиатни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш туйғусини шакллантиришда оила муҳити ва мактабда олинган экологик билим муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда умумтаълим масканларида ёшларга бу йўналишда тегишли фанлар, махсус курс ва тўғрақлар орқали пухта билим

берилмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим масканлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган экология мавзусидаги қатор фестиваллар, ижодий танловлар ёшларнинг назарий билимини амалий кўникмалар билан бойитиш, фаоллигини янада оширишга хизмат қилмоқда. «Она шахрим экологияси» танлови шундай лойиҳалардан биридир.

Танловга тақдим этилган расмларда табиат манзаралари, Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, озодалик ишлари, обод ва файзли маҳаллалар қиёфаси, экологик барқарорлиқни асрашга оид гоғлар ифода этилган.

Танлов ғолиб ва совриндорларига эсдалик совғалари топширилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Кундузи — 0-2 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 8 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг ёгингарчилик бўлмайди. бир оз тарқалиб кетишига Кечаси ва эрталаб туман имконият яратади. Атмосферидаги туман, Шарқдан фेरнинг ифлосланиши даражаси 3-8 метр тезлик-жаси 1-3 фойдасида шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража совуқ, тахмин қилишмоқда, тамиқчаси — 6-8 даража совуқ, дори наст бўлади.

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 156

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12877 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 15.20